

ИСМИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Султанходжаева Саида Убайдуллаевна

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Джафаров Бехзод Фарходович

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола форс тилидаги исмий фразеологик бирликларнинг (ИФБ) семантик таҳлиliga бағишланади. Таянч аъзоси от, сифат ёки бошқа отлашган сўзлар билан ифодаланган ИФБлар форс тилида кенг қўлланилади. Мақолада форс тилидаги ИФБларнинг семантик таҳлили эронишунос олим Ю.А. Рубинчик илгари сурган тасниф доирасида ўтказилди ва бирликларнинг маъноси асосланмаган, қисман асосланган ва асосланган турлари ёритилди.

Калит сўзлар: семантика, чатишма, қўшилма, бутунлик, умумий маъно, маъно яхлитлиги.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена семантическому анализу именных фразеологизмов персидского языка (ИФ). ИФ, базовым элементом которых является существительное, прилагательное или другое формообразующее слово, широко используются в персидском языке. В статье семантический анализ ИФ в персидском языке представлен иранским ученым Ю.А. Рунинчиком. Статья была проведена в рамках классификации, предложенной Рубинчиком, и выделены виды не мотивированного, частично-мотивированного и мотивированного значения.

Ключевые слова: семантика, не мотивированность, сочетание, целостность, общий смысл, смысловая целостность.

КИРИШ

Таянч аъзоси от, сифат ёки бошқа отлашган сўз билан ифодаланган бирикмага тенг бўлган фразеологизмлар орасида исмий фразеологик бирликлар (ИФБ) алоҳида ўрин эгаллайди. Улар номинатив вазифани бажарадилар. ИФБларнинг синтактик қурилиши эркин бирикмага тенг, таркиби икки ва ундан ортиқ исмий сўз туркумига мансуб сўзлардан ташкил топади ва эркин бирикмалардан ўзининг фразеологик хусусиятлари билан фарқланади. ИФБларга нафақат отлашган, балки сифатлашган ва равишлашган ФБлар ҳам киритилади.

Эронда ИФБ махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Умуман фразеология кўпроқ лексикография, яъни амалий лугатшуносликда ўрганилган. Бу ўринда

Али Акбар Деххудонинг “ لغتنامه دهخدا ” [*Loyatnāme-ye Dehxodā*] ва “ امثال و حکم ” [*Amsāl-o hekam*] изохли луғатларини, Муҳаммад Муиннинг “ فرهنگ فارسی ” [*Farhang-e fārsi*] луғатини, шунингдек, бир қатор тўплам шаклида чиққан мақол ва маталлар, турғун иборалар, содда, қўшма ва оғзаки нутқда қўлланиладиган идиомаларни келтириш мумкин. Лекин эроншунос олимлар С.В.Зулфигарова¹, Л.С.Пейсиков², Ю.А.Рубинчик³, М.Абидов⁴ форс тилида фразеологик бирликларнинг назарий концепцияларини ишлаб чиқиш билан бирга, уларнинг структур ва семантик турларини, функционал ва услубий жиҳатларини ўзларининг илмий тадқиқот ишларида ёритиб берганлар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кўп йиллар давомида форс тилида фразеологизмлар бўйича иш олиб борган рус эроншунос олими Ю.А.Рубинчик ўзининг “Основы фразеологии персидского языка” монографиясида кўрсатишича, фразеологик бирликлар тузилиши жиҳатидан бирикмага ёки гап шаклига тенг бўлган турғун сўзлар бирикмаси бўлиб, лексик таркибнинг доимийлиги, тайёр ҳолда такрор қўлланилиши, компонентлари орасидаги боғланишнинг турғунлиги ва маъно яхлитлиги билан характерланади. Албатта, бу хусусиятлар барча фразеологизмлар учун ҳам мос келавермайди: уларнинг структур ва семантик жиҳатларини ҳисобга олиш керак бўлади. Аммо барча фразеологик бирликлар учун хос бўлган нарсаси - бу уларнинг тайёр ҳолда такрор қўлланилишидир⁵.

ФБларнинг семантик хусусияти нафақат эроний, балки кўпгина бошқа тилларда ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Маълумки, рус тилшунослигида фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари Академик В.В.Виноградовнинг илмий қарашлари⁶ асосида ёритилади. Рус тилида фразеологик бирликларнинг қуйидаги 3 семантик гуруҳи ажратилади: 1) фразеологик чатишма; 2) фразеологик бутунлик; 3) фразеологик қўшилма.

Ю.А.Рубинчик⁷ форс тилидаги фразеологизмларни компонентлари ўзаро семантик алоқаси таҳлили асосида лексик маънонинг сақланиши ёки қўчма маъно касб этиши, бир бутун маънонинг тушунилиши ёки тушунилмаслигига

¹Зулфигарова С.В. Идиоматические выражения в персидском языке (по материалам произведений С.Хедоята): Автореф. дис... канд. филол. наук.- Баку, 1964.-19 с.

² Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.:Изд-во Моск. гос. ун-та, 1973. -199 с.

³ Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М : Наука,1981. С 8-112.

⁴ Абидов М. Субстантивные фразеологизмы современном персидском языке. Дис. ...канд. филол. наук. - М., 1988. - 153 с.

⁵ Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. –М:Наука,1981. С.8-112.

⁶ Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке.- Академик А.А.Шахматов. М.-Л., 1947. С.339-364

⁷ Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка.-М:Наука,1981. С.8-112.

кўра идиоматик ва ноидиоматик ФБларга ажратади. Идиоматик фразеологизмларга маъноси асосланмаган ва қисман асосланган, ноидиоматик фразеологизмларга эса умумий маъноси асосланган турғун бирикмаларни киритади. Маъноси асосланмаган ИФБлар В.В.Виноградов томонидан маъно жиҳатидан ажратилган фразеологик чатишмага, маъноси қисман асослангани фразеологик кўшилмага, умумий маъноси асослангани фразеологик бутунликка тўғри келади.

М.Абидовнинг таъкидлашича, ФБларни ягона семантик белгиларга кўра ажратиш, яъни маъноси асосланган ёхуд асосланмаганлиги ёки чекланган бирикувига асосланиши ФБда турлича намоён бўлади ва бу унинг категориал белгиси ҳисобланмайди. Барча ФБлар учун ягона семантик белги маъно яхлитлигидадир⁸.

Мазкур кичик тадқиқот (ИФБларнинг семантик таҳлили) эроншунос олим Ю.А.Рубинчик илгари сурган тасниф доирасида ўтказилди. Тадқиқотга манба сифатида Ҳамзелу Такиннинг “افسون سبز” [Afsun-e sabz] (2001) романи олинди.

Маъноси асосланмаган ИФБлар-фразеологик чатишмалар

Бу турдаги ИФБларда иборадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ эмас. Иборанинг маъноси билан таркибидаги сўзларнинг маънолари орасида потенциал боғланиш бўлмайди. Бундай фразеологизмларнинг маъноларида образлилик кучли бўлади. Уларни ўрганишда диахроник таҳлилга таяниш лозим. Исмий фразеологик чатишмалар семантик жиҳатдан яхлитликни ифода этади:

1) Изофий моделдаги икки таркибли фразеологик чатишмалар:

خوب تو بگو دسته گلت چند وقتشه؟

Hub to begu daste-ye golat čand vaqteše?

“Майли, айт-чи хомиланг неча ойлик?”;

2) олд кўмакчи бирикма бошида келган икки таркибли моделдаги фразеологик чатишмалар:

این سه تا بچه را با خون دل بزرگ کردم، نمی دانی چی کشیدم.

In se tā bačērā bā xun-e del bozorg kardam, namidāni či kešidam

“Бу уч болани катта машаққат билан ўстирдим, бошимдан нима ўтганини билмайсан”;

3) изофий олд кўмакчи бирикма бошида келган моделдаги фразеологик чатишмалар:

مشغول پوست کندن خیار ها بودم که فرید مثل برج زهر مار وارد شد.

⁸ Абидов М. Субстантивные фразеологизмы с современным персидском языке. Дис. ...канд.филол.наук, М., 1988, С.64-66.

Mašyul-e pust kandan-e xiyār hā budamke Farid mesl-e borj-e zahr-e mār vāred šod.

“Бодринг арчиш билан машғул эдим, Фарид **қутургандек** кириб келди”;

4) икки таркибли олд кўмакчи моделидаги фразеологик чатишмалар:

زیر لب به خودم فحش دادم: صبا، **خاک بر سر**، آبغوره گیری ات شروع شد؟

Zir-e lab be xodam fohš dādam: Sabā xāk bar sar, ābyuregiat šoru šod?

“Пичирлаб ўзимни койидим: “Сабо, **шўринг курсин**, беҳуда йиғини бошладингми?””

5) аралаш турдаги мураккаб қолипчи фразеологик чатишмалар:

زهر مار و هرهر! همه را کشتی که دیوانه، اگر فرید سادیسیم داره، تو حتما مازوخیسم داری.

Zahr-e mār o her her! Hame rā košti ke divāne, agar Farid sādism dāre, to hatman māzuxism dāri.

“**Ярамас!** Ҳаммани ўлдирасан-ку, жинни. Агар Фарид садист бўлса, сен албатта мазахистсан”.

Юқоридаги келтирилган мисолларда ИФБлар ифодалаган кўчма маъно унинг таркибидаги сўзлар англатган лексик маънолар билан изоҳланмайди. Уларда чатишмали ИФБларда метафора ёки метонимия сезилиб туради:

“ҳомила” (сўзма-сўз «гул даста»)	<i>daste-ye gol</i>	دسته گل
“қийинчилик билан заҳматда, катта машаққат билан” (сўзма-сўз “юракнинг қони билан”);	<i>bā xun-e del</i>	با خون دل
“ғазабланган, аччиқланган, қутурган, ранжиган” (сўзма-сўз “илон заҳарининг минорасидек”).	<i>mesl-e borj-e zahr-e mār</i>	مار مثل برج زهر

Маъноси қисман асосланган ИФБлар-фразеологик қўшилмалар

Фразеологик қўшилмалар компонентлардан бири кўчма маънога асосланадиган ва компонентларга хос мустақил маъно марказларини сақлаб қоладиган иборалардир. Фразеологик қўшилмаларда бир сўз тўғри, иккинчи сўз эса кўчма маънога эга бўлади:

1) изофий моделдаги икки таркибли фразеологик қўшилмалар:

تو یک گوله نمکی، ولی من بی مزه و یخ هستم.

To yek gule-ye namaki, vali man bi maze o yax hastam

“Сен ёқимтойсан, мен эса ёқимсиз ва совукман”;

- با احتياط پرسيدم: باباش كجاس؟

- بى خيال گفتم: سرگور باباش!

Bā ehtiyat porsidam: bābāš kojās?

Bi xiyal goft: sar-e gur-e bābāš!

“Аста сўрадим: Отаси қаерда?

Ўйламасдан деди: - Очиқ мазорда!”

2) уч таркибли мураккаб қолипли фразеологик қўшилмалар:

به خدای بالای سر که تا امروز دستم را روی ناموس و بچه ام بلند نکرده ام.

Be Xodā-ye bālā-ye sar ke tā emruz dastam rā ru-ye nāmus va bačeam boland nakardeam.

“Худо ҳаққи, ҳозиргача ор-номусимга хиёнат ва боламга қўл кўтармаганман.”;

نسیم فوری گفتم: بچه ها رو بذار پیش الهام، منهم همراست می آیم.

- پرسیدم: مگه کار نداری؟

- نسیم شکلاتی از توی ظرف بر داشت و گفتم: گور پدر کار!

Nasim fouri goft: Bačehā ru bezār piše Elhām, manham hamrāt miāyam.

-Porsidam: mage kār nadāri?

- Nasim šokolāti az tuye zarf bar dāšt va goft: gur-e pedar-e kār!

“Насим тезда деди: Болаларни Илҳомникига ташла, мен ҳам сенга ҳамроҳ бўламан.

Сўрадим: Ишинг йўқми?

Насим ликопчадан шоколад олиб деди: Жин ўрсин ўша ишни!”.

Кўринадики, фразеологик қўшилмаларда алоҳида олинган бир сўзнинг маъноси ҳақида гапириб бўлмайди. Бирикиш натижасида келиб чиқадиган маъно тўғрисидагина сўз бўлиши мумкин:

ёқимтой (сўзма-сўз “ёқимтой, келишган шар”)	<i>gule-ye namaki</i>	گوله نمکی
Худо ҳаққи (сўзма-сўз “бош тепасидаги Худога”)	<i>Xodā-ye bālā-ye sar</i>	به خدای بالای سر

Фразеологик қўшилмаларда икки компонент ҳам кўчма маънода ишлатилиши мумкин:

қуриб кетсин шу иш (сўзма-сўз “ишинг отасининг гўри”)	<i>gur-e pedar-e kār</i>	گور پدر کار
---	--------------------------	-------------

“очиқ мозор, жин урсин | *gur-e bābāš*
(сўзма-сўз «отасининг |
гўрида”)

گور باباش

Маъноси асосланган ИФБлар - фразеологик бутунликлар

Фразеологик бутунликлар англатган маънони унинг таркибидаги сўзлардан тўғридан-тўғри келтириб чиқариш мумкин эмас. Шу билан биргаликда иборадан бутунлигича келиб чиқадиган маъно билан ибора таркибидаги сўзларнинг маънолари ўртасида қарама-қаршилик ҳам йўқ. Иборани ташкил қилувчи сўзлар ўз мустақил маъно марказини тўлиқ сақламайди. Иборанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларга хос бўлган маъноларнинг умумий махражи сифатида келиб чиқади. Бу умумий кўчма маъно иборанинг бутунлигини сақлаб туради, унинг парчаланиб кетишига йўл қўймайди. Демак, фразеологик бутунликлар таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ, шуларга асосланган умумлаштирувчи кўчма маъноли иборалардир.

1) изофий моделдаги икки таркибли фразеологик бутунликлар:

صدای مهربانش در گوشی پیچید: سلام به روی ماهت. چطورى؟

Sedā-ye mehrebānash dar guši pičid: Salām be ru-ye māhat. Četouri?

Ёқимли овози қулоғига пичирлади: “Салом соҳибжамол (сўзма-сўз “ой юзли”), қалайсан?”;

2) аралаш турдаги фразеологик бутунлик:

حالا دیگر کمال به منتهای آرزویش رسیده بود و محمود و محمد شده بودند نور دو چشمش، هر وقت از سفر می آمد، ساکش پر از اجناس بود که برای پسر ها آورده بود.

Hālā digar Kamāl be montahā-ye ārezuyaš raside bud va Mahmud o Mohammad šode budand nur-e do čašmaš, har vaýt az safar miāmad, sākaš por az ajnās bud ke barāye pesarhā āvarde bud.

“Энди Камол барча орзуларига етишган эди, Махмуд ва Мухаммад унинг нур и дийдасига (сўзма –сўз “икки кўз қорачиғи”) айланган эдилар: ҳар доим сафардан қайтганда, халтаси болалар учун олиб келган нарсалар билан тўла эди”;

Демак, таркибидаги сўзларнинг маънолари ва грамматик жиҳати бирикиб умумий кўчма маъно берувчи иборалар фразеологик бутунликни ташкил этади.

Тадқиқотимиз давомида ҳам фразеологик бутунлик, ҳам фразеологик қўшилмага киритилиши мумкин бўлган мисоллар учради:

پول نازنين را چنان خرج ميكند انگار گنج قارون دارد.

Pul-e Nāzanin rā čenin xarj mikonad engār gāng-e yārun dārad.

“Нозаниннинг пулини шунчалик ишлатяптики, гўё **битмас-туганмас бойликларга (Қорун бойликлари)** эга”.

Юқоридаги мисолда **کنج قارون** яъни “битмас-туганмас бойликлар” фразеологик қўшилмани, «қорун бойликлари» эса фразеологик бутунликни ташкил этяпти.

Дарҳақиқат, ФБларни акад. В.В.Виноградов ишлаб чиққан тасниф асосида семантик типларга ажратиш, айниқса, фразеологик бутунлик, қўшилма ва чатишмаларни ўзаро фарқлаш қийин. Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма орасида маълум умумийлик ва тафовутлар бор. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- 1) иккаласи турғун қурилмали бирикмалар ҳисобланади;
- 2) иккаласида умумлашган яхлит бир маъно (кўчма маъно) ифодаланади;
- 3) иккаласида услубий бўёк бўлади;
- 4) иккаласи нутқда тайёр ҳолда қўлланилади ва битта синтактик вазифани бажаради;
- 5) фразеологик бутунлик таркибидаги сўзларнинг маънолари иборанинг кўчма маъносини изоҳлайди. Фразеологик чатишмада эса сўзлар маъноси билан ибора маъноси ўртасида бундай боғланиш йўқ;
- 6) фразеологик бутунликларнинг маъносида ички образ сақланади, таркибидаги сўзларга хос маънолар сезилиб туради.

Фразеологик чатишма маъносида эса ибора таркибидаги сўзларнинг маънолари иштирок этмайди, шунинг учун унда ички образ сўнган бўлади. Яъни, буни қуйидаги мисоллар орқали фарқлаш мумкин:

همه چیز تمام شده بود و **پاره تن** من زیر خاک، تنها و در سرما خوابیده بود.

Hame čiz tamām šode bud va pāre-ye tan-e man zir-e xāk, tanhā va dar sarmā xābide bud.

“Ҳамма нарса ниҳоясига етган эди, **севимли болажоним** (сўзма-сўз “танининг қисми, бўлаги”) ернинг тагида ёлғиз ва совуқда ухлаб етибди”.

خیلی هم خوشگلی، چشم و ابروی مشکى و قاجارى، پوست مهتابی، موهای بلند و موج دار مثل شبق،
قدبلند، **هیکل توپیر**، مگه بده؟

Xeyli ham xušgeli, čašm va abru-ye meški o qājāri, pust-e mahtābi, muhāye boland o moujdār mesle šabaq, qadboland, heykal-e tupor, mage bade?

“Жуда ҳам чиройлисан, қора қош-кўзли, оппоққина, қора қаҳрабодек узун ва жингалак сочли, баланд буйли, **тўлишган** (сўзма-сўз “тўлишган бадан, тана”), наҳотки ёмон бўлса?”

ХУЛОСА

Материаллар таҳлили ИФБларда фразеологик чатишмалар 53%, фразеологик бутунликлар 26%, фразеологик қўшилмалар 21% ни ташкил этишини кўрсатди. Ҳам фразеологик бутунлик, ҳам фразеологик қўшилмага киритилиши мумкин бўлган мисоллар бу икки семантик тип ўртасидаги чегаранинг баъзан заиф бўлишини тасдиқлайди. Таркибидаги бир сўзи қўчма маънода бўлган ибораларнинг фразеологик бутунликка ёки фразеологик қўшилмага мансублиги уларнинг умумий маъносига кўра белгиланади, яъни компонентлари маъноларининг синтезлашувига асосланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Dehxodā A.A. Loṡatnāme-ye Dehxodā, moassesa-ye entešārāt va čāp-e dānešgāhe Tehrān, 1373 (1993-94).
- 2) Hamzeli Takin Afsun-e sabz, entešārāt-e Šādān, Tehrān, 1380.
- 3) Mohammad M. Farhang-e fārsi, jeld-e 1, 2 , entešārāt-e Amir Kabir, Tehrān, 1371.
- 4) Абидов М. Субстантивные фразеологизмы современном персидском языке. Дис. ...канд. филол. наук. - М., 1988. - 153 с.
- 5) Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. Академик А.А.Шахматов.- М.-Л.,1957. с.169
- 6) Зулфигарова С.В. Идиоматические выражения в персидском языке (по материалам произведений С.Хедоята): Автореф. дис... канд. филол. наук.- Баку, 1964.-19с
- 7) Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1991.-418 б.
- 8) Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.:Изд-во Моск.гос. ун-та, 1973. -199 с.
- 9) Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Т:Ўқитувчи, 1978.-408 б
- 10) Раҳматуллаев Ш.У. Ҳозирги адабий узбек тили (дарслик). -Тошкент, «Университет», 2006. 418-419 б.
- 11) Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. –М:Наука, 1981. 8-112 с